

Фарғона шаҳар хокимлиги тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси  
**“12.08.2014 йил 125 - сонли**  
реестр рақами билан  
**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

“Farg’onaazot” ochiq aksiyadorlik jamiyati  
акциядорлар умумий йиғилишининг  
2014 йил 30 июлдаги 13-сонли  
йиғилиш баёни қарори билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**



## «Farg’onaazot» aksiyadorlik jamiyati

# USTAVI

(янги таҳрир)

## УСТАВ МАЗМУНИ:

1 Умумий қоидалар.....	3
2 Жамиятнинг юридик мақоми, почта манзили ва электрон почта манзили.....	3-4
3 Жамият фаолиятининг максади ва асосий йўналишлари.....	4-5
4 Жамият устав фондининг миқдори, уни купайтириш ва камайтириш тартиби.....	5-6
5 Жамият акцияларининг турлари, номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялари.....	7
6 Жамият акциядорларининг хукуқ ва мажбуриятлари.....	8-9
7 Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби.....	9-10
8 Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби.....	10
9 Жамият бошқарув органлари.....	11
10 Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.....	11-13
11 Жамият Кузатув кенгаши.....	13-16
12 Жамиятнинг Ижроия органи.....	16-19
13 Жамиятнинг тафтиш комиссияси .....	19-20
14 Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	20
15 Уставга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш.....	20

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. «Farg'onaazot» Aksiyadorlik jamiyati (матн давомида “Жамият” деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш кўмитасининг 2004 йил 31 декабрдаги 192к-ПО-сонли «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси - давлат корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш ва уни очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида”ги буйргуга асосан ташкил этилган.

1.2. Жамият даставвал, Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўtkазиш инспекцияси томонидан 2005 йил 19 январда 98- рақам билан рўйхатга олинган.

1.3. Жамият Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўtkазиш инспекцияси томонидан 2010 йил 16 июлда 0741 сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатига олинган.

1.4. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (лотин алифбосида):  
**«Farg'onaazot» Aksiyadorlik jamiyati**

Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (кирил алифбосида):  
**«Фарғонаазот» Акционерное общество**

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (лотин алифбосида):  
**«Farg'onaazot» AJ**

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (кирил алифбосида):  
**«Фарғонаазот» АЖ**

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:  
**Акционерное общество «Farg'onaazot»**

Рус тилидаги қисқартирилган номи:  
**АО «Фарғонаазот»**

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ расмий номи:  
**Joint-stock company «Farg'onaazot»**

Инглиз тилидаги қисқартирилган номи:  
**JSC «Farg'onaazot»**

## **2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ**

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг худудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро хукуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият ҳисобкитобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси худудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар худудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисоб ракамларни очиши мумкин.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ хукукка эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвиранган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳукуки асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олингандаромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олингандаромад ташкил топади.

2.7. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс ҳукукини олган шуъба ва тобе хўжалик Жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шуъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради.

2.11. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосий фаолиятни амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга хақли.

2.12. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.13. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

2.14. Жамият таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари ва бўлинмалари;
- соғломлаштириш диагностика цехи;
- меҳнат жамоасининг «Кимёгар» рўзномаси таҳририяти;
- “Kimyogar yoshlar madaniyat bog’i” Масъулияти чекланган жамияти.

2.15. Жамиятнинг жойлашган жойи (пошта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 115108, Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Саноат қўчаси 222- уй.

2.16. Жамиятнинг электрон пошта манзили: [info@azot.uz](mailto:info@azot.uz), веб сайти: [www.azot.uz](http://www.azot.uz).

### 3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади – жамият акциядорларининг иқтисодий манфаатлари, интелектуал имкониятлари, моддий, номоддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятини юритиш учун бирлаштириш, шу жумладан минерал ўғитлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш.

3.2. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- минерал ўғитлар, дефолиантлар, ацетат ҳамда полиамид толалар, ноорганик кимё маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ярим ва тайёр маҳсулотлар, ҳалқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб-чиқариш ва сотиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун;
- чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик, шунингдек, наслдор чорва ҳамда паррандаларни кўпайтириш ва уларни сотиш, ўз эҳтиёжи учун фойдаланиш;
- темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш, мавжуд бўлган автомобил,

- транспорт воситалари билан юк, йўловчиларни ташиш ва хизмат кўрсатиш; жамият ишлаб чиқариши техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш мақсадида турли шаклдаги ҳалқаро ҳамкорликларда қатнашади ва жамият экспорт базасини ривожлантиради;
  - савдо-харид ва савдо-воситачилик фаолиятини юритади, воситачилик хизматларини кўрсатади;
  - улгуржи ва чакана савдо;
  - махаллий телефон алоқаси, кўчма радиотелефон алоқаси тармоғи хизматларини кўрсатиш ва фойдаланиш;
  - кўп тиражли газеталар чоп этиш;
  - жамият ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун дам олиш масканларини ташкил этиш;
  - юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш;
  - дори-дармонлар харид қилиш;
  - ҳалқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
  - инновацион маҳсулотларни кашф этиш ва сотиш;
  - ахборот – реклама нашриёт ишларини бажариш;
  - фирма дўконларини, филиалларни ва бўлимларни ташкил этиш;
  - кишлоқ хўжалик маҳсулотлари, автомобил ва юк машиналари эҳтиёт қисмлари билан савдо воситачилик қилиш;
  - хўжалик моллари сотиш ва воситачилик қилиш;
  - дўконлар, умумий овқатланиш пунктларини очиш;
  - ҳар қандай хўжалик фаолиятида ва ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ воситачилик хизматларини кўрсатиш;
  - ижара фаолияти билан шуғулланиш;
  - молиявий фаолият (фоизлар кўринишида, дивиденд, чет эл валютасининг курс фарқларидан даромад олиш) билан шуғулланиш;
  - ийғилиш, симпозиум, маданий-оммавий ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
  - сиқилган табиий газни сотиш;
  - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳукуқлидир.
- 3.3. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиласидан фаолият турлари билан шуғулланиш, Жамият шундай махсус рухсатномани (лицензияни) олганидан кейин шуғулланишга ҳукуқли бўлади.

#### **4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИННИГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

- 4.1. Жамиятнинг Устав фонди Акциядорлар томонидан сотиб олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.
  - 4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатгайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.
  - 4.3. Жамият устав фондининг миқдори 78 698 655 640 (етмиш саккиз миллиард олти юз тўқсон саккиз миллион олти юз эллик беш минг олти юз қирқ) сўмни ташкил қиласи ва номинал қиймати 2 530 (икки минг беш юз ўттиз) сўм бўлган 30 783 424 (ўттиз миллион етти юз саксон уч минг тўрт юз йигирма тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 322 764 (уч юз йигирма икки минг етти юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.
  - 4.4. Жамият Устав фонди акциядорлар ўртасида куйидагича тақсимланган:
- Давлат улуши – 72,50 фоиз, 22 552 900 дона эгасининг номи ёзилган оддий акция, 57 058 837 000 сўм;

- “ЎЗКИМЁСАНОАТ” Давлат акциядорлик компанияси устав фондига берилган давлат улуши – 26,46 фоиз, 8 230 524 дона эгасининг номи ёзилган оддий акция, 20 823 225 720 сўм;
- Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилган улуш – 1,04 фоиз, 322 764 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 816 592 920 сўм.
- ЖАМИ- 100 фоиз, 30 783 424 (ўттиз миллион етти юз саксон уч минг тўрт юз йигирма тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 322 764 (уч юз йигирма икки минг етти юз олтмиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 78 698 655 640 сўм. Бир дона акциянинг номинал қиймати 2 530 (икки минг беш юз ўттиз) сўм.

#### **а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш**

- 4.5. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 4.6. Жамиятнинг Устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 4.7. Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш факат Жамиятнинг ўз капиталини капитализация қилиш ҳисобига амалга оширилади.
- 4.8. Қўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.
- 4.9. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорлар умумий йигилиши томонидан ёки, агар Жамият акциядорлари умумий йигилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг Кузатув кенгашига шундай қарорни қабул қилиш хукуки берилган бўлса, жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
- 4.10. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, мазкур Уставга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли хукуқларга эга бўлган акциядорлар учун Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.
- 4.11. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

#### **б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш**

- 4.12. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.
- 4.13. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл кўйилади.
- 4.14. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.
- 4.15. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

## **5. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ**

- 5.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир.
- 5.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳукуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳукуклардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.
- 5.3. Акциялар мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.
- 5.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивиденdlар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукукини беради.
- 5.5. Ўз эгаларига дивиденdlарни, шунингдек Жамият тутатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳукукини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар муайян дивиденdlар олиш ҳукукини беради.
- 5.6. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳукукини берадиган оддий ёки имтиёзли акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.
- 5.7. Жамият барча турдаги акцияларининг номинал қиймати 2 530 (икки минг беш юз ўттиз) сўм.
- 5.8. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.
- 5.9. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.
- 5.10. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.
- 5.11. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.
- 5.12. Эълон қилинган акциялар. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштириши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 2 530 (икки минг беш юз ўттиз) сўмлик 377 032 092 (уч юз етмиш етти миллион ўттиз икки минг тўқсон икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 8 000 000 (саккиз миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.
- 5.13. Эълон қилинган оддий акцияларнинг 2 642 205 (икки миллион олти юз қирқ икки минг икки юз беш) донаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 08 майдаги 128- сонли «АНГРЕН ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ» ЁАЖнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 07 июняғи 166- сонли «ФАРГОНА КИМЁ ФУРАН БИРИКМАЛАРИ ЗАВОДИ» Унитар корхонасининг экологик жиҳатдан заарли бўлган обьектларини Фаргона шахри чегарасидан ташқарига чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ Давлатга ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.
- 5.14. Эълон қилинган акциялар доираси қўшимча акцияларни муомилага чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур акцияларнинг жойлаштириш тартиби, шартлари, муддати, сони ва бошқа шартлари Жамият ваколатли бошқарув органининг акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори, шунингдек эмиссия рисоласи ва бошқа тегишли хужжатлар билан белгиланади.

## 6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Жамиятнинг оддий акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:
- ❖ Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - ❖ ўзига таълуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
  - ❖ Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - ❖ Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - ❖ акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
  - ❖ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
  - ❖ олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - ❖ кимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - ❖ ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - ❖ ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш максадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
  - ❖ кимматли қофозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.
- 6.2. Жамиятнинг имтиёзли акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга
- ❖ Жамиятнинг акциядорлари реестрига кириш;
  - ❖ ўзига таълуқли депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
  - ❖ Жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, ушбу Уставнинг 7.9. бандида белгиланган миқдордаги дивидендларни биринчи навбатда олиш;
  - ❖ олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - ❖ Жамият тугатилган тақдирда акцияларнинг тугатиш қийматини биринchi навбатда олиш;
  - ❖ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
  - ❖ қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
  - ❖ акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш.
  - ❖ қимматли қофозларни харид қилиш чоғида эҳтимоли бор заарлар ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиши билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- 6.3. Жамиятнинг акциядорлари ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.
- 6.4. Жамиятнинг акциядорлари жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга.
- 6.5. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.
- 6.6. Жамиятнинг имтиёзли акцияси акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳукуқини бермайди, амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган айrim масалаларни ҳал этиш бундан муснасно. Имтиёзли акциялар унинг эгасига Жамият тугатилган тақдирда акциянинг тугатиш қийматини оддий акция эгаларидан олдин олиш ҳукуқини беради.
- 6.7. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.
- 6.8. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳукуқини беради.

- 6.9. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварагига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.
- 6.10. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.
- 6.11. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:
- ❖ мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
  - ❖ мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
  - ❖ Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
  - ❖ ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни хабардор килиш.
- 6.12. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга хам эга бўладилар.

## **7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган кисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.3. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

7.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosasi мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.8. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.9. Агар Жамиятда тўлаш учун манба (соф фойда, тақсимланмаган фойда) ва/ёки захира фондида етарли маблағлар мавжуд бўлса, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорида йиллик дивиденд тўланади. Агар, оддий акцияларга имтиёзли акцияларга нисбатан кўп миқдорда дивиденд тўлашга қарор қабул қилинса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан имтиёзли акцияларга ҳам оддий акциялар билан тенг миқдорда дивиденд ҳисобланиши мумкин.

7.10. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда

Жамият мазкур акцияларни сакловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган Жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний хукуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига биноан Жамият ихтиёрида қолади.

7.11. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукукига эга.

7.12. Жамият тугатилган тақдирда имтиёзли акция бўйича тўланадиган қиймат (тугатиш қиймати) имтиёзи акциялар номинал қийматининг 100 фоизини ташкил этади.

7.13. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

❖ Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунинг қадар;

❖ агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

❖ агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.14. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатта олмаган ҳолда эълон қиласи.

7.15. Жамиятнинг заарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маблағлари ҳисобига қопланади.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойда хисобидан:

❖ Захира Фонди;

❖ Дивиденд тўлаш фонди;

❖ Жамият Кузатув кенгashi томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (үн беш) фоизи миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

8.5. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказади.

8.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамият акциядорлари умумий йигилишининг қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йули билан, Дивиденд тўлаш фонди тузилиши мумкин. Жамиятнинг Дивиденд тўлаш фонди дивидендларни тўлаш учун маблағларни захиралаш ва кейинчалик акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига мувофиқ акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш учун мўлжалланади.

## **9. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

- 9.1. Жамиятни бошқарув органлариға қуидагилардан иборат:
  - ❖ Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
  - ❖ Кузатув кенгаши;
  - ❖ Ижроия органи.

## **10. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш масалалари ва Жамият йиллик ҳисботи ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

а) Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) Жамиятни қайта ташкил этиш;

в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

д) зълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;

ж) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

з) ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

к) Жамият Тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш. Тафтиш комиссиясига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

л) жамиятнинг йиллик ҳисботини ва бизнес-режасини тасдиқлаш;

м) Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

н) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва Тафтиш комиссияси хулосаларини эшитиш;

о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) акциядорнинг Жамият акциялари ёки бошқа қимматли қоғозларини сотиб олишга доир имтиёзли хуқуқини кўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;

у) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг хар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд микдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

ф) акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

х) конунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

- Жамиятнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш;
- Жамиятнинг бизнес-режасини тасдиқлаш.

10.9. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Конун хужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.10. Мазкур Уставнинг 10.6. бандидаги а), б), в), д), н), с) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.11. Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва у) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан факат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

10.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари амалдаги қонунчиликда ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда, ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 кундан кечиктирмай, лекин узоги билан 30 кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб бешиланиши мумкин эмас.

10.17. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадин камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

10.18. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик килувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия иили тугаганидан кейин 30 (уттиз) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг

камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.20. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичидаги Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш тўғрисида ёки йигилишни чақиришни рад этиш ҳақида карор қабул қилиши керак.

10.21. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг тақрорий умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йигилишини ўтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган тақрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

10.22. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.23. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктиримай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

10.24. Акциядорлар умумий йигилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида”ти Низоми билан тартибга солинади.

## 11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йигилишини чақириш, қонунчиликда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно;
- в) акциядорлар Умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг Умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) Ушбу Уставнинг 10.6. бандидаги а) ва у) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишини акциядорларнинг Умумий йигилишига киритиш;
- ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- з) Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўшайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- и) акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшишчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- к) аудиторлик текшируви ўтказиши түгрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш түгрисида қарор қабул қилиш;
- л) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиримай маъқулланиши лозим;
- м) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айро бошланадиган облигациялар чиқариши түгрисида қарор қабул қилиш;
- н) кимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариши түгрисида қарор қабул қилиш;
- о) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түгрисида қарор қабул қилиш;
- п) жамиятнинг ижроия органини тузиш, Бошқарув раисини ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;
- р) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- с) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- т) Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит хизмати түгрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг хисоботларини эшитиб бориш;
- у) Жамият Тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдорини юзасидан тавсиялар бериш;
- ф) Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- х) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- ц) Жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан (дивиденд тўлаш фондидан ташкил) фойдаланиш
- ч) конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг якшенинг эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш түгрисидаги масала Кузатув кенгашининг карорига кўра акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиши мумкин);
- ш) конунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш хақида қарор қабул қилиш;
- и) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиши ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тутатиш;
- ы) Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиши;
- з) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- ў) ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиши учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йиллик муддатта сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 5 (беш) кишидан иборат.

11.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзи кайта сайланishi мумкин.

11.6. Жамият Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари Жамиятнинг кузатув кенгаши сайланishi мумкин эмас.

11.7. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.8. Жамият Кузатув кенгашида Давлатнинг ишончли вакилининг фаолияти амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади.

11.9. Давлат вакили лавозимига кўра Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўzlари орасидан Жамият Кузатув кенгashi аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.11. Жамият Кузатув кенгashi ўz раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгashi мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.

11.13. Жамият Кузатув кенгashi Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.

11.14. Жамият Кузатув кенгashi мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камиди бир марта чакирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чакирилади:

- ❖ Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- ❖ Тафтиш комиссиясининг;
- ❖ Жамият ижроия органи аъзоларининг;
- ❖ ички аудит ҳизмати бошлигининг;
- ❖ қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

11.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашинига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

11.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгashi мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.6. ва 4.9. бандларида ва 11.2 бандининг з), о), ч) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгashi томонидан бир овоздан (ишини билан) қабул қилинади.

11.17. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас.

11.18. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари teng бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгashi Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

11.19. Жамият Кузатув кенгashi қарорлари билан Жамият акциядорлари иштирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун хужжатларида ташкил тутилган бошқа хужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

11.20. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров ёшли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул келиниши мумкин.

11.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тушиши.

11.22. Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этишини Жамият кузатув кенгashi аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.23. Жамият кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенgashi мажлисларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.24. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Жамият Кузатув кенгашинига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши

мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йигилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

11.25. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

11.26. Жамият Кузатув кенгashi аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.27. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга карши овоз берган Жамият кузатув кенгashi аъзолари жавобгар бўлмайди.

11.28. Жамият Кузатув кенгashi таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йигилишида тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгashi тұғрисидаги Низоми”да белгилаб қўйилади.

## 12. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия орган – Жамият Бошқарувин томонидан амалга оширилади. Бошқарув фаолиятига Жамият Бошқарув Раиси раҳбарлик килади.

12.2. Жамият Бошқаруви 11 (үн бир) кишидан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатлари ва Жамият Кузатув Кенгashi ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Жамият Бошқаруви таркибига Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари, бош музкандис, бош ҳисобчи, бўлинма бошликлари ва маъсул ходимлар кириши мумкин.

12.4. Жамият Бошқаруви коллегиал ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланыб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар Умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.5. Жамият Бошқаруви акциядорлар Умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгashi ҳисобот беради.

12.6. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари Жамият Кузатув кенгashi томонидан қонунчиликда ва мазкур Уставда белгиланган тартибда бир йиллик муддатга сайланадилар (тайинланадилар).

12.7. Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгashi раиси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Жамият номидан Жамият кузатув Кенгashi раиси ёки Жамият Кузатув Кенгashi ваколат берган шахс имзолайди.

12.8. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.9. Жамият Бошқарувининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йигилишининг жутник ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.10. Жамият Бошқаруви акциядорлар Умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгashi қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.11. Жамият Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган “Ижроия органи тұғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

12.12. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир жартия ұтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан Кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувининг фикри ҳақида Кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йигилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилгандыкни Бошқарув авзоси ахборот беради ва химоя қиласи.

12.13. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳаклидир.

12.14. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 12.17. бандининг л) қисмida кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисида иштирок этаётган Жамият Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12.15. Жамият Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўз фикрларини Жамият Кузатув Кенгашига билдиришлари мумкин.

12.16. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисида иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига, шунингдек аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

12.17. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- б) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўрикномаларини тасдиқлаш;
- в) Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йигилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- г) Жамият шуъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, бўйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- д) Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;
- е) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- ж) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- з) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- и) конунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- к) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- л) ўз ваколати доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши қарорига ҳавола этилиши мумкин);
- м) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни саклаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- н) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йигилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- о) Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида ва Кузатув кенгаси мажлисларида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- п) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- р) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- с) Жамиятнинг Башқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.18. Жамият Башқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- а) ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- б) Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- в) давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вактида тақдим этилишини таъминлайди;
- г) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- д) Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;
- е) Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлади;
- ж) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайланди ва лавозимдан озод этади;
- з) Жамият филиллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлади;
- и) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шакларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласи;
- к) Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- л) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- м) Жамият ходимларини ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллади, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- н) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- о) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

12.19. Жамият Башқаруви раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамият Башқарув раиси ва Башқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.20. Жамият Башқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари оддидиги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.21. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаси ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Башқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

12.22. Башқарув Раиси ва аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) жадвали карор қонунчилиқда белгиланган тартибда Кузатув Кенгashi томонидан қабул қиласи.

12.23. Башқарув раиси ва бошқарув аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишида бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари

(харакатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган заарлари сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

### 13. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

13.2. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якуnlари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йигилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чақирилишини талаб қилиш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлислини чақирилишини талаб қилиш;

- Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу Устав ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

13.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия организа мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йигилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якуnlари бўйича амалга оширилади.

13.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якуnlariga кўра Тафтиш комиссия хulosasi tuzadi, bu xulosada:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганилиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганилиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.9. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosani ҳар чорақда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 13.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хulosasi Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эшитилади.

13.10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чакирилишини талаб қилишга хакли.

#### 14. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартериш) ва тугатиш акциядорлар умумий йигилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқук ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.4. Жамият кўйидаги ҳолларда тугатилади:

- ❖ акциядорлар Умумий йигилишининг қарорига мувофиқ;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- ❖ амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

14.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

#### 15. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

15.1. Жамият акциядорларининг Умумий йигилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув қенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартериш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

15.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

15.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

15.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

15.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Фаргона шаҳар хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2013 йил 28 ноябрда 125 – рақами билан рўйхага олинган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартериш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

«Farg'onaazot» Aksiyadorlik jamiyat  
Бошқарув раиси

А.Т.Салижанов

Ҳукукшунос

М.Х.Юлдашев

изборам сенаторов и членов Конституционного совета проводимых в 2013 году. В соответствии с законом о выборах сенаторов и членов Конституционного совета Республики Узбекистан, избирательные кампании должны проводиться в соответствии с установленными в Узбекистане правилами и нормами, а также в соответствии с международными стандартами демократии и прав человека.

## ПРИДАТКИ АЛШИТЕЛЮННАТ АЙЛА НИЗОГИМАЖ Ф1

Документы, поданные в Центральную избирательную комиссию по выборам сенаторов и членов Конституционного совета, подаются в электронном виде на специальную страницу Центральной избирательной комиссии Узбекистана. Для этого необходимо пройти регистрацию на сайте Центральной избирательной комиссии Узбекистана и ввести логин и пароль. На странице регистрации указываются личные данные участника, а также контактная информация, необходимая для дальнейшего обработки заявления. После успешной регистрации участник получает доступ к функциям подачи документов.

для избрания сенаторов

и членов Конституционного совета

избирательных округов 101 – 104

и 430 – 431

и 449 – 450

и 466 – 467

и 484 – 485

и 492 – 493

и 516 – 517

и 534 – 535

и 552 – 553

и 571 – 572

и 590 – 591

и 608 – 609

и 626 – 627

и 644 – 645

и 682 – 683

и 699 – 700

и 717 – 718

и 735 – 736

и 753 – 754

и 771 – 772

и 790 – 791

и 808 – 809

и 826 – 827

и 844 – 845

и 862 – 863

и 880 – 881

и 898 – 900

и 926 – 927

и 944 – 945

и 962 – 963

и 980 – 981

и 998 – 1000

Прошнуровано, пронумеровано и скреплено

канцелярской печатью

20 (двадцать)

листов.

«13» 08 2014г.

Исп. : Канц. Ф.И. Ходирова М. Р.



*Ахметов*